**“Когон туманидаги “Ўртачўл” МФЙ даги “Жанафар” қишлоғидаги экин ерларини сув билан таъминлаш мақсадида 2,5 км янгидан бетон канал чиқариш” объекти ишларини амалга ошириш бўйича тузилган № ПШБ 1-05/22 сонли шартнома**

**Бухоро шахри** **2022 йил « 25 » май**

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган, **“Бухоросувқурилишинвест” ДМ** Низом асосида директори О.Қодиров, бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган**, “SARDORELEGANTSTROYMONTAJ” МЧЖ** низоми асосида директори **Л.Рамазонов**, иккинчи томондан, мазкур шартномани туздилар:

**Ўзбекистон Республикаси Бухоро вилояти ҳокимининг 2022-йил 7-мартдаги №34-2-0-F/22 сонли фармойиши ижросини таъминлаш учун.**

## *I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ*

1.1.“Пудратчи” мазкур шартнома шартларига кўра лойиҳада кўзда тутилган **“Ўртачўл” МФЙ даги “Жанафар” қишлоғидаги экин ерларини сув билан таъминлаш мақсадида 2,5 км янгидан бетон канал чиқариш”** ишларини бажариш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” эса “Пудратчи” га юқоридаги ишларни бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## *II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ*

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар, 2022-йил 21-майдаги №87157-сонли(Лот 87157) тендер баённига асосоан **“Ўртачўл” МФЙ даги “Жанафар” қишлоғидаги экин ерларини сув билан таъминлаш мақсадида 2,5 км янгидан бетон канал чиқариш”** объекти бўйича “Пудратчи” томонидан бажариладиган ишларнинг умумий қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда, жорий нархларда **(ҚҚС билан) 731 301 000 (етти юз ўттиз бир миллион уч юз бир минг) сўм** қилиб белгиланган, 2022 йил манзилий дастурга асосан бажариладиган ишлар қиймати **731 301 000 сўм**, 2022 йилда тўлаб бериладиган маблағлар **694 735 950 сўм,** қолган **36 565 050 сўм** 5% кафолат суммаси кафолат муддати тугаб, молиялаштириш манбаи аниқлангандан сўнг тўлаб берилади.

2.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми “Буюртмачи” томонидан ўзгартирилганда.

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар “Буюртмачи” билан “Пудратчи” ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## *III. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ*

3.1. Мазкур шартнома бўйича “Пудратчи” мазкур шартноманинг I бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартнома, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни “Буюртмачи” га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- “Буюртмачи” ни пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси ва бажарадиган ишлари, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- Объектга бириктирилган жавобгар шахс ҳамда объект бўйича лойиҳада кўрсатилган асбоб-ускуналарни харид қилиш “Буюртмачи” ташкилот билан келишилган ҳолда амалга ошириш.
- қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;
- қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. “Пудратчи” мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун “Буюртмачи” олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## *IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ*

4.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани бажариш учун:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича “Пудратчи” га бериш;

мазкур шартномада қайд этилган “Пудратчи” томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, “Пудратчи” дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

“Пудратчи” нинг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан “Пудратчи” га бўнак бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 кун давомида “Пудратчи” га ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Бажариладиган қурилиш объектлари бўйича "Пудратчи" корхоналар билан ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган тартибда ва тўлов турлари воситасида амалга оширилади.

### *VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ*

8.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч таъсири натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар шартнома шартларини қисман ёки тўлиқ бажара олмаса жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда "Пудратчи" ва "Буюртмачи" ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

### *IX. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ*

9.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

9.2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида "Пудратчи" нинг ёзма билдиришномаси "Буюртмачи" томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида объектдан фойдаланувчи субъект билан биргаликда қабул қилиб олинади.

9.3. "Пудратчи" қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин "Буюртмачи" томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. "Пудратчи" "Буюртмачи" га ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект ушбу объектдан доимий фойдаланувчи сув хўжалиги ташкилотининг мулкига айланади.

### *X. КАФОЛАТЛАР*

10.1. "Пудратчи":

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига, ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди;

"Буюртмачи" томонидан ажратиладиган маблағларнинг 3-иловага асосан мақсадли сарфланишини таъминлайди.

10.2. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати, нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар "Пудратчи" томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари "Пудратчи" ва "Буюртмачи" нинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар "Пудратчи" бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда "Буюртмачи" мазкур шартноманинг VI бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини "Пудратчи" дан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

10.3. "Пудратчи" нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Даврхитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

### *XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ*

11.1. "Буюртмачи":

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши "Буюртмачи" га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати "Пудратчи" нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, "Пудратчи" томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

"Пудратчи" томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11.2. "Пудратчи":

ишларнинг бажарилиши "Пудратчи" га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра "Буюртмачи" томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

қолдирса, у ҳолда “Буюртмачи” “Пудратчи” қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

14.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

14.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва тарафлар томонидан имзоланиб, Бухоро вилояти Ғазначилик бошқармаси томонидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қилади.

***Пудрат шартномасига илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати***:

1. Ишларни бажариш жадвали.
2. Ишларни молиялаштириш жадвали.
3. Буюртмачи томонидан ажратиладиган маблағларнинг сарфланиш йўналишлари

## XV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

**Буюртмачи:**
**«Бухоросувқурилишинвест» ДМ**

**Манзил:** Бухоро шаҳар Ширбудин кўчаси, 12 уй
**Тел/факс:** 225-15-40, 225-24-53
**х/р:** 100021860064017049805170005
**СТИР:** 203269804 **ОКОНХ:** 69000
Тошкент МББ бошқармаси ХККМ
**х/р: 23402000300100001010**
**МФО:** 00014
**ИНН:** 201122 919
**ОКОНХ:** 22100 Ғазначилик бўлим номи: Бухоро вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси

**Директор:** **О.Қодиров**

*Юрист* ________ *А.Маматқулов*
*Дипмлом В №180620 11.07.2004*

**Пудратчи:**
**“SARDORELEGANTSTROYMONTAJ” МЧЖ**

**Манзил:** Когон т. Туткунда МФЙ 7-уй
**Тел/факс:** (88) 206-33-33
**х/р: 2020 8000 9006 2010 7001**
**ИНН:** 303 957 966
**Банк:** АТ “ИПОТЕКА Банк” Бухоро филиали
**МФО:** 00088

**Раҳбар:** **Л.Рамазонов**

**"КОГОН ТУМАНИДАГИ УРТАЧУЛ МФЙДАГИ ЖАНАФАР КИШЛОГИДАГИ ЭКИН ЕРЛАРИНИ СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАКСАДИДА 2,5 КМ УЗУНЛИКДА ЯНГИДАН БЕТОН КАНАЛ ЧИКАРИШ" ОБЪЕКТИ БЎЙИЧА ПУДРАТ ИШЛАРИНИ**

**БАЖАРИШ ГРАФИГИ**

| № | Лойиҳа бўйича иш турлари | Ўлчов бирлиги | Қурилиш монтаж ишларининг умумий қиймати | 2022 йилда бажарилган ишлар | 2023 йилда бажариладиган ишлар режаси | Шу жумладан | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | 1-чорак | | | 2-чорак | | | 3-чорак | | | 4-чорак | | |
| | | | | | | январ | феврал | март | апрель | май | июнь | июль | август | сентябр | октябр | ноябр | декабр |
| 1 | Бетон канал | км | 1,968 | 1,968 | | | | | | 0,8 | 1,168 | | | | | | |
| | | м3 | 581 | 581 | | | | | | 240 | 341 | | | | | | |
| | | минг.сўм | 290 500,000 | 290 500,000 | | | | | | 118 089,431 | 172 410,569 | | | | | | |
| 1 | Тупрок ишлари | минг.м3 | 29,421 | 29,421 | | | | | | 7,54 | 21,881 | | | | | | |
| | | минг.сўм | 440 801,000 | 440 801,000 | | | | | | 112 968,272 | 327 832,728 | | | | | | |
| | Жами ҚҚС билан | минг.сўм | 731 301,000 | 731 301,000 | | | | | | 231 057,703 | 500 243,297 | | | | | | |

**Буюртмачи:**
**"Бухоросувқурилишинвест" ДМ директори**
**_____ О.З.Кодиров**

**Пудратчи:**
**"SARDORELEGANTSTROYMONTAJ" МЧЖ директори**
**_____ Л.М.Рамазонов**

"КОГОН ТУМАНИДАГИ УРТАЧУЛ МФЙДАГИ ЖАНАФАР КИШЛОГИДАГИ ЭКИН ЕРЛАРИНИ СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАКСАДИДА 2,5 КМ УЗУНЛИКДА ЯНГИДАН БЕТОН КАНАЛ ЧИКАРИШ" ОБЪЕКТИ БЎЙИЧА ПУДРАТ ИШЛАРИНИ

## МОЛИЯЛАШТИРИШ ГРАФИГИ

| № | Ишлар номи | II чорак | | | II чорак | | | III чорак | | | IV чорак | | | Жами | 2022 йил 5% лик кафолат суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | январ | феврал | март | апрель | май | июнь | июль | август | сентябр | октябр | ноябр | декабр | | |
| 1 | Йиллик иш хажми 30 % киймати микдорида ажратиладиган аванс | | | | | 219 390,300 | | | | | | | | 219 390,300 | 36 565,050 |
| 2 | Авансни кайтарилиши | | | | | | 219 390,300 | | | | | | | 219 390,300 | |
| 3 | Бажарилган ишлар киймати | | | | | 231 057,703 | 500 243,297 | | | | | | | 731 301,000 | |
| 4 | Бажарилган ишларга нисбатан молиялаштириш | | | | | | 219 504,818 | 255 840,832 | | | | | | 475 345,650 | |
| 5 | Жами молиялаштириш маблаглари | 694 735,950 | | | | | | | | | | | | | |

Заказчик:
"Бухоросувкурилишинвест" ДМ директори
О.Кодиров

Пудратчи:
"SARDORELEGANTSTROYMONTAJ" МЧЖ директори
Л.М.Рамазонов

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари
_______________ А.Назаров
"25" 05 2022 й.

**Бухоро вилояти маҳаллий бюджети ҳисобидан**
**«Бухоросувқурилишинвест» ДМ буюртмачилиги остида ирригация-мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция ишларининг**
**2022 йил МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ №0008**

(асос:Бухоро вилояти ҳокимининг 2022-йил 7-мартдаги №34-2-0-Ф/22-сонли фармойиши )
(2022 йил 5 майда тасдиқланган манзилли дастур ўрнига)

(млн. сўм, жорий нархларда)

| № | Объектлар номи ва манзили (24.май.2022й.) | Қурилиш бошланиши ва фойдала-нишга топшириш йили | Лойиҳа қуввати | Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари* | 01.01.22 й., ҳолатига объект қолдиқ қиймати жумладан, буюрьмачи бошқа харажатлари | 01.01.22й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (қайта ҳисоблаш билан) қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари | 01.01.22 й., ҳолатига объектнинг молиялашти-риш қолдиғи жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари | 2022 йил учун капитал қўйилмалар лимити: Жами капитал қўйилмалар | шу жумладан: Қурилиш-монтаж ишлари** | шу жумладан: Жиҳоз | Буюртмачи бошқа харажатлари: Жами | Буюртмачи бошқа харажатлари: жумладан, сақлаш харажатлари | 2022 йилда фойдаланишга топшириладиган: муддат/ қувват | 2022 йилда фойдаланишга топшириладиган: Асосий фонд суммаси | 01.01.23й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (қайта ҳисоблаш билан) қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари | 01.01.23 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштир-иш қолдиғи жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари | Экспертиза хулосаси рақами ва санаси | Тендер (танлов) лар натижаси бўйича баённома рақами ва санаси | Қурилиш пудрат ташкилот номи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| А | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| | **Жами капитал қўйилмалар, жумладан** | | | **2 036,152**<br>**151,057** | **2 036,152**<br>**151,057** | **2 036,152**<br>**151,057** | **2 036,152**<br>**151,057** | **2 310,000** | **1 790,840** | | **151,057** | | | **2 036,152** | | **94,254** | | | |
| | **канал.км.** | | **3,28** | | | **3,28** | | | | | | | **3,28** | | | | | | |
| | **қудуқ.дона** | | **4** | | | **4** | | | | | | | **4** | | | | | | |
| | **I.Янгидан бошланувчи** | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Олот туманидаги Халифа МФЙ аҳолисинининг томорқа ерларини суғориш учун туман истироҳат боғи ҳудудидан ўтадиган 700 метр янги ариқ чиқариш ва бетонлаштириш<br>канал.км. | 2022й | 0,44 | 193,970<br>17,176 | 193,970<br>17,176 | 193,970<br>17,176<br>0,44 | 193,970<br>17,176 | 185,130 | 167,954 | | 17,176 | | 0,44 | 193,970 | | 8,839 | №38963 26.04.2022й. | №86512 23.05.2022й. | "SARDORELE-GANTSTROYMONTAJ"МЧЖ |
| 2 | Олот туманидаги Сойинқоровул маҳалласи аҳолисини «Юлдуз» насос станциясидан мунтазам сув билан таъминлаш мақсадида канални бетонлаштириш<br>канал.км. | 2022й | 0,88 | 375,286<br>27,479 | 375,286<br>27,479 | 375,286<br>27,479<br>0,876 | 375,286<br>27,479 | 357,895 | 330,417 | | 27,479 | | 0,876 | 375,286 | | 17,390 | №38952 26.04.2022й. | №86508 23.05.2022й. | "SARDORELE-GANTSTROYMONTAJ"МЧЖ |
| 3 | Бухоро туманидаги Аҳоли томорқалари учун суғориш қудуқларини ўрнатиш<br>қудуқ.дона | 2022й | 2 | 327,557<br>29,696 | 327,557<br>29,696 | 327,557<br>29,696<br>2 | 327,557<br>29,696 | 312,663 | 282,968 | | 29,696 | | 2 | 327,557 | | 14,893 | №39862 30.04.2022й. | №86506 23.05.2022й. | "O'RTA OSIYO SUV QURILISH" МЧЖ |
| 4 | Коғон туманидаги Ниёз ҳожи МФЙ Талча, Куржан, Чамбарон ва Ниёз ҳожи қишлоқларида 2 та тик қудуқ қазиш<br>қудуқ.дона | 2022й | 2 | 369,072<br>37,740 | 369,072<br>37,740 | 369,072<br>37,740<br>2 | 369,072<br>37,740 | 352,505 | 314,765 | | 37,740 | | 2 | 369,072 | | 16,567 | №39783 30.04.2022й. | №86502 23.05.2022й. | "БУХОРО ГИДРОТЕХНИКА"МЧЖ |
| 5 | Коғон туманидаги «Ўртачўл» МФЙдаги «Жанафар» қишлоғидаги экин ерларини сув билан таъминлаш мақсадида 2,5 км узунликда янгидан бетон канал чиқариш<br>канал.км. | 2022й | 1,97 | 770,268<br>38,967 | 770,268<br>38,967 | 770,268<br>38,967<br>1,968 | 770,268<br>38,967 | 733,703 | 694,736 | | 38,967 | | 1,968 | 770,268 | | 36,565 | №38980 27.04.2022й. | №87157 21.05.2022й. | "SARDORELE-GANTSTROYMONTAJ"МЧЖ |
| | Тақсимланмаган лимит | | | | | | | 368,102 | | | | | | | | | | | |

"КИРИТИЛДИ"
Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш агентлигининг "Бухоросувқурилишинвест" давлат муассасаси директори
_______________ Ф.Қодиров
"___" _________ 2022 й.

"КЕЛИШИЛДИ"
Вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари
_______________ Джураев
"___" _________ 2022 й.

"КЕЛИШИЛДИ"
Бухоро вилояти ҳокимлиги молия бош бошқармаси бошлиғи
_______________ Б.Адилов
"24" 05 2022 й.